

## Ота-боланинг ресторандаги муносабати



13:04 / 15.04.2023 2188

Бир йигит кекса отасини шифокорга олиб борди. Шифокор кўригидан қайтаётганда отахон: **«Болам очликни ҳис қиляпман», деди. Ўғил дарҳол отасини қиммат ресторанлардан бирига таомланишга олиб борди. Ота кексалик сабаб қўли қалтирар, таомланаётган пайтда овқат унинг либосларига ва ерга тўкилар эди. Бу ҳолат ўша жойда ўтирганларнинг эътиборини тортди. Ўғил эса ўзини сокин тутиб, отасининг таомланиб бўлишини кутди. Отахон овқатланиб бўлгач, ўғли уни қўл ювиш хонасига олиб бориб, қўлларини, оғзини, юзини ювиб, кийимларини тозалаб қўйди. Сўнгра таомланган стол ёнига бориб, у ерни тўкилган таомлардан тозалаб қўйди. Кейин ресторан ходимига истеъмол қилинган таом пулини тақдим этиб, отаси билан ташқарига чиқди. Ресторанда ўтирганлар уларга қараб қолишди. Ота-бола энди машинага ўтирмоқчи бўлганларида**

**ресторандагилардан бир киши чиқиб, ота-боланинг ёнига борди ва отахоннинг бошидан, ўғилнинг пешонасидан ўпиб: «Жаноб, сиз ресторанда бирор нарса қолдириб кетганингизни сезмадингизми?!», деб сўради.**

Ўғил: «Йўқ», дея жавоб берди.

Шунда бояги одам: **«Сиз ахлоқ, инсонийлик ва ота-онага яхшилик қилиш борасида ресторанда ўтирганлар учун ибратли дарс қолдирдингиз»,** дея қувончини изҳор қилди.

***Нозимжон Ҳошимжон & Хуршид Маъруф***